

Энг билимдонимиз – Абу Бакр



08:00 / 09.11.2020 1708

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан одамларнинг олдига чиқдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ бир бандага дунёни ёки Ўз ҳузуридаги нарсани танлашга ихтиёр берди. Банда Аллоҳ аzza ва жалланинг ҳузуридагини ихтиёр қилди», дедилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу буни эшитиб, хўнграб йиғлаб юбордилар. Ўшанда биз унинг йиғлаганига ҳайрон бўлган эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бир бандага ихтиёр берилди» деб ўзларини айтган эканлар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ичимизда энг билимдонимиз эди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан